







Хайтда узок вақт тенгини тополмай, ёши ўтиб, ёлғиз ўзи яшаётган, келишгангина, гап-сўзи ниҳоятда ширин, ёқимтой бир чевар қизнинг уйдаги телефон кўнгириги тунда жинглик қилди. Бундан хайратланган қиз телефон гўшагини аста кўтариб, кўлоғига тутди.

— Лаббай, эшитаман.

— Ассалому алайкум! Мен Фалончима! Менга Пистончичон керак эдилар.

— Ваалайкум ассалом, Фалончичон ака! Узр, Сиз телефон рақамини нотўғри терибсиз. Сиз сўраган одам бу ерда турмайди.

— Овозингиз мен айтган одамга жуда ўхшаш-ку!

— Бўлса бордир. Одамнинг овози бир-бирига ўхшаш бўлиши мумкин.

— Наҳотки, янглишган бўлсам? Сиз кимсиз ўзи?

— Жуда қизиқ экансиз-ку Фалончичон ака! Мен Сиз телефон рақамини нотўғри териб тушган бегона хонадон соҳиба-симан.

— Соҳибаман дейсизми? Исмингиз мунча чиroyли экан.

— Исмим эмас, уй соҳибасиман.

— Бўлмаса, исмингиз ким?

— Бунинг қизиги йўқ, Фалончичон ака.

— Нега қизиги бўлмас экан? Мен қайси рақамли телефонга тушиб қолдим ўзи? Сезаяпманки, Сиз мен излаган одамнинг айнан ўзисиз ёки унга жуда ўхшашсиз. Ё таба, дунёда одамнинг ҳам овози, муомаласи шунча иссиқ, ёқимли бўладими-а? Лекин ниҳоятда осойишта, майинглигингиз менга жуда маъқул. Бошқа одам бўлса, аллақачон бир оғиз сўз билан дилимни

Турмуш чорраҳаларида

# СИМҚОҚДИ ОШИҚЛАР

(Булган воқеа)

хуфтон қилган бўларди.

— Ҳечқиси йўқ, Фалончичон ака, — деди Пистончичон қиз майинлик билан. — Сира ҳижолат бўлмаг. Хайтда баъзан шундай чалқашликлар ҳам бўлиб туради. Мана, сизнинг тасо-дифи кўнгиригингиз баҳонасида анча гап-сўз ҳам олдик. Раҳмат, сизга! Вақтингиз бўлганида шунақа кўнгирик қилиб туринг.

— Рухсатингиз билан қайси рақамли телефонга кўнгирик қилиб турай?

— Агар ниҳоятингиз чиндан ҳам ҳолис, сидқидил бўлса, ҳозир ўзингиз терган рақамли телефонга-да.

— Яна битта саволим бор эди, кечирасиз.

— Марҳамат!

— Сиз кўпроқ нимага қизиқасиз?

— Тушунмадим.

— Бўш вақтларингизда нима билан шуғулланасиз?

— Бўш вақтнингиз деврили ўзи йўқ. Доим мана биландир банд бўламан. Кўпинча куй, мусика, кўшиқ эшитаман.

— Сизга кўпроқ қандай куй, кўшиқлар ёқади?

— Яхши куй, кўшиқлар. Айниқса, миллий, мумтоз куй, кўшиқларимиз.

— Ундай бўлса, сизга битта мусикали салом йўлласам нима дейсиз?

— Радио орқалими?

— Йўқ-е, ҳозирок, мана шу сим орқали.

— Майли. Қани, эшитиб кўрайлик-чи, — деди қиз.

Нарғи томондан юракни жунбушга келтириб, гижжақда сеҳрли «Муножот» куйи янграй бошлади. Қиз симқоқди танишининг узокдан туриб, айнан унинг кўнглидаги хоҳишини топганидан мамнун бўлиб, уйи бутун борлиги билан берилиб тинглади. Ниҳоят, куй тугагач, сим орқали мулоқот яна бироз давом этди.

— Қалай, куй сизга маъқулми? — деди йигит қандайдир титроқ овоз билан.

Қиз ҳам бунга жавобан овози бироз ўзгарган ҳолда миннатдорчилик билдирди:

— Жуда зўр! Куйни ким ижро этди?

— Ким бўларди, ўзимиз-да!

— Ие, ҳали бунақа истеъдодим ҳам бор денг? Ашула ҳам айтсангиз керак?

— Ха, энди ўзимча бироз гинғиллаб юраман.

— Айтдим-а, овозингиз жуда майин, ширали деб.

Уртада бўлиб ўтган бу тасодифий танишув, гоёибона, самимий илтифот ва тақаллуфлардан сўнг икки томон ҳам аллақандай ғайритаъиний куч-қудрат, маънавий озиқ олиб, яхши кайфият билан арабик хайрлашишди.

Шу-шу сим орқали топишган бу танишлар нафақат бир-бирларининг юз-кўзларини кўрмаган, балки исмларини ҳам билмаган ҳолда фақат майин ва ёқимли овозларини тинглаб, дил кўзлари билан сиймоқларини кўз олдиларида гавдалантириб, тез-тез ўзаро боғлиқ туришди. Бунда уларнинг завқ-шавақлари тобора ошиб, ором-ҳаловатлари йўқолди, уйқулари қочди. Лекин уртадаги бу нозик хис-ҳаяжонлар, туйғуллар га-лавларини бир-бирларидан пинҳон тугишди, узок вақтгача бу хис-туйғуллар оғушида сархуш юришди. Навбатдаги симли алоқа — сўзлашувларининг бирида йигит қалбига сира жилволаб бўл-майдиغان аллақандай куч, жасорат жуш уриб, фаолликни ўз кўлига олди:

— Мана, неча вақтки, Аллоҳнинг марҳамати билан сим орқали бир-бирларимизни топиб, танишиб, овозимиз, нафасимизни тинглаб, сўхталлашиб турибсиз, гоёибона дўст, биродар бўлиб қолдик. Бир-биримизни қалбдан қанча яқин тут-майлик, аммо ҳиссонан бирор марта ҳам кўришмадик. Мени — осонроқ топишнингиз учун кўзимда қора кўзойнақ, кўлимда хасса бўлади, ҳолис. Сизни интизорлик билан кутаман.

Қизнинг юраги негадир шиг этди, йигитнинг сазасини ўл-дирмай, учрашувга қолди. Уни бир кўришдаёқ, дарров таниди ва бир умрга унга боғланиб қолди.

35 ёшлардаги турма ногирон йигит, кўзи оғизлар мактабида миллий мусикадан дарс берар, сеҳрли бароқлари билан танбур ва гижжакнинг нозик ва нафис пардаларини босиб, тилсиз симларни сайратганида сўйр кўзлардан ҳам ёш чиқар-ди. Қиз эса ёши ўттизлардан ошган, шоирлар ибораси билан айтганда, ўзи гўзал, сўзи асал, қўли гул, чевар эди. Осмон ниқоҳи узалиб ерга туша бандасининг қулидан ҳеч нарса келмас экан. Икки ўртада не-не совиқлар, барваста ва тўрт мучаси соғлом, барно йигитларнинг овози бўлгани қол-ди. Тақдир дейишнинг шудир балки?


Энди сиз уларни таниганидирсиз? Ёки бирор жойда кўрган-дирсиз? Одатда биз бундай одамларга беварқамиз, эътибор-сизлик билан қарашга ўрганиб қолганмиз. Мен бундай меҳр-оқибатли, жасоратли инсонларга ҳавас қиламан. Зотан бундай меҳр-оқибатли, қалбига кўш яширин, меҳри дарё одамлар орамизда жуда кўп. Балки бу дунё шундай инсонлар борлиги учун ҳам доимо гўзал ва бебаҳо, азиз ва муқаррамдир? Сиз бунга нима дейсиз?

Искандар РАҲМОН.

**Бундан 130 йил муқаддам Англия-да тутилган футбол ўйини тезда бутун қитъа бўйлаб кенг ёйилди. Инглиз шарҳловчиларининг фикрича, «қитъа футбол»и техник ва тактик жиҳатлари бўйича «орол (яъни Англия) футбол»идан анча узоклашиб, «уфқ ортига чекинган». Бу фикрнинг нечоғли ҳақлигига кўп мутахассислар бир неча йил бурун Швецияда ўтказилган Европа чемпионатида ишонч ҳосил қилдилар.**

## Футбол

### АНГЛИЯ МАЙДОНЛАРИДА НИМА ГАП?



Дарҳақиқат, Англия миллий терма жамоаси Швециядаги чемпионатда ҳар-қанча ҳаракат қилмасин, учта ўйнда атиги битта гол киритиб, бирорта ҳам галабани қўлга кирита олмаганди. Ушбу мағлубиятни миллий фожиа даражасида қаршилаган инглиз футболчилари йўл қўйилган барча хатоларни илдан игнасиғача таҳлил қилиб, илгариги мақолиларини қайта тиклашга қатъий аҳд қилишган. Бунинг устига инглиз футбол ишқибозлари дунёда энг интизомсиз ва бебошлиқлари билан машум «шухрат» қозонган. 1985 йилда Брюсселнинг «Эйзель» стадионида Англиянинг «Ливерпуль» жамоаси ишқибозларининг тартибсизлиги фожиага олиб келганлиги сабабли, УЕФА қарорига биноан кўпгина «орол клублари» қитъа футбол майдонларидан четлатилган эди. Бу ҳолат ҳам инглиз жамоаларининг ўзин сависисига салбий таъсир этмасдан қолмади, албатта.

Агар Англия футболга умумий назар

Яқиндагина пўлсиз бўлган клублар эндиликда савдолашиб ўтирмай «юлдуз»ларни сотиб олиш учун миллионлар фунтларни тўлайверади. Борган сари янги-янги мусобақа ва турнирлар ўтказилаверади...

Аммо шунга қарамай, Англия футбол шухратининг сезиларли даражада сўна бошлаганлиги кўпчиликни жиддий ташвиш-тангирмоқда. Бунинг сабабларини ҳар ким ҳар хил изохламоқда. «Футбол ҳаддан ташқари кўп, — дейди миллий терма жамоа мураббийси Грэм Тейлор. — Клуб ҳўжайн-лари улкан ҳаражатларни қоплаш учун ҳар қандай ишга тайёр. Англия дунёда энг катта олдига эга. Ҳеч қайси мамлакатда бу ердигдек кўп турнир ва кубок ўйинлари ўтказилмайди. Терма жамоа аъзоларини бафуржа йиғиб маслаҳатлашиб, ўйин услубини муҳокама этишининг имкони йўқ. Чунки энг етакчи футболчилар қундалик кескин ўйинлардан ҳориб толган ҳолатда энг сўнгги дақиқаларда менинг ихтиёри-

га етиб келадилар».

Тейлорнинг ҳисобича, Англия клубининг оддий ўйинчиси 8 кун ичида ўртача 3 марта майдонга тушади. Терма жамоа, шунингдек Европа кубокларида қатнашаётган клубларнинг аъзоларига эса бундан ҳам оғир. 70 ва 80-йилларда бундай узлуксизлик инглиз клублариға Европа майдонларида пешқадамлик қилиш, кетма-кет кубокларни қўлга киритишга монулик қилмасди. Аммо йилдан-йилға футбол ўйинлари тобора тигизлашиб, кескинлашиб борапти. Ҳар бир матч футболчилардан улкан ҳаракатларни талаб этади. Майдонга тушаётган ҳар бир ўйинчининг хаёлида мураббийнинг қатъий талаби туради: қандай бўлмасин, тўпни тезроқ рақиблар жарима майдонига етказиш! Ва шиддаткорлик учун курашаётган футболчининг ортиқча ўйлаб ўтиришга фурсати бўлмайди. Бундан келиб чиқадиган ўйин қоидаси шундай: тўпни олдингми, дарҳол уни олдинга, ҳужумчига узати! «Тикик инглиз футболчиси тўпга ҳудди ўз душманидек муносабатда бўлади», — деб ёзади бундай ўйин услуби ҳақида «Индепендент» газетаси. — «Майдонларда фақатгина «уру-юғур» қоидасига амал қилинади». Умуман олганда бу тахлит шиддатли ҳужумлар билан инглиз футболчи муносиб шухрат қозонган. Аммо 6 йил муддатта қитъа футболдан четлатиш — бу озгина вақт эмас. Бу давр ичида ўйин услублари, шахсий таркиб ва анъаналар сезиларли ўзгарди. Клублар ва миллий терма жамоалар ўртасидаги келишмовчилик фақатгина Англияға хос эмас. Футбол ҳақиқий йирик индустрия даражасига кўтарилди. Масалан, Италия клублари четдан тақлиф этилган «юлдуз»ларға тўлаётган ақл бовар қилмас катта миқдордаги маблағлар санокли ойлар ичида орғи билан қопланмоқда. Ишқибозлар чипта нархи 50 доллардан кам эмаслигиға қарамай, доимо келиб, стадионларни тўлдирмоқда. Бундан ташқари, телекомпаниялар ва реклама берувишлар билан ҳам келишиб, мўмайгина пул ишлаш мумкин.

Италиянинг «Милан» клуби соҳиби Сильвиео Берлусконни қуйидагиға йўл тутган: четдан саралаб тақлиф қилинган футболчилардан иккита тенг кучли жамоа тuzиб, бирини мамлакат ички чемпионати, иккинчисини эса халқаро майдонларда тўп суришға жалб этган. Аммо инглиз футболчида бундай тажриба ҳали қўллангани йўқ. Чунки, футбол ватанида ҳудди хоккей ватани — Канадада бўлгани каби ички чемпионатлар халқаро мусобақалардан ҳам кўра нуфузлироқ ҳисобланади.

Бахтиёр ХАЙДАРОВ.

Парижда ўтказилган финал ўйинида атиги 17 минг томошабин гувоҳ бўлганди. Аммо Мадридда ўтказилган иккинчи Европа биринчилиги (1964)нинг финалда совет терма жамоаси испанияликларға 1:2 ҳисобида ю-

1968 (Италия) Италия — Югославия — 2:0

1972 (Бельгия) Германия — СССР — 3:0

1976 (Югославия) Чехословакия — Германия — 2:2, пенальти — 5:3

1980 (Италия) Германия — Бельгия — 2:1

1984 (Франция) Франция — Испания — 2:0

1988 (Германия) Нидерландия — СССР — 2:0

1992 (Швеция) Дания — Германия — 2:0

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ)нинг терма жамоа-

2008 нинг ҳўжайини бўлол-сак, зап иш бўларди», — дейди у.

Ангияда 2006 йилги жаҳон биринчилигининг финал турнирини ўтказиш гоёисини мамлакат Бош вазирини Жон Мейжор астойдил маъқулламоқда. Маълум бўлишича, мабодо ФИФА раҳбарияти бу масалани Англия фойдасига ҳал қилган тақдирда, мусобақанинги молиявий таъминоти муаммосини ҳу-

### «ЎЗ ВАТАНИГА ҚАЙТИД»

казиб қўйди. Бу ўйини 120 минг ишқибоз томоша қилди. Қитъа чемпионати 1966 йилға келиб, янада юксак маваға эришти ва УЕФА конгрессининг қарорига кўра футбол бўйича Европа чемпионати деб номланди. Кейинги бошқа чемпионатларнинг натижалари қуйидагича:

куман аллақачон муҳокама ҳам қилган экан. Шу мақсадда миллий лотерея ҳамда маданият ва

### БАШОРАТ ҚИЙИШГА ШОШИЛМАНГ

Ангияда 2006 йилги жаҳон биринчилигининг финал турнирини ўтказиш гоёисини мамлакат Бош вазирини Жон Мейжор астойдил маъқулламоқда. Маълум бўлишича, мабодо ФИФА раҳбарияти бу масалани Англия фойдасига ҳал қилган тақдирда, мусобақанинги молиявий таъминоти муаммосини ҳу-

спорт жамғармаси маблағларини фойдаланилади.

ФИФанинги ҳозирги президенти Жоао Авелланнинг жаҳон футбол раҳбари сайловларидаги рақибларидан бири, УЕФА президенти швед Леннарт Юханссоннинг фикрича, янги минг йилликнинг иккинчи жаҳон чемпионатининг ҳал қилувчи ўйин-

### БИЛИМ МАСКАНИДАГИ ТЕННИС КОРТИ

Тошкент индустриал-педагогика техникуми санот учун мутахассислар тайёрлаш билан бирға жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам ажойиб анъаналарға эга. Қирғизистон бокс чемпионатининг совриндори Фулом Маҳкамов ва фарғонача миллий кураш бўйича

### «01» ХИЗМАТИ

11 май куни Миробод туманида жойлашган «Марҳаб» хиссадорлик жамиятиға қарашли «Хўжалик техникаларини тuzатиш» корхонаси ҳудудида тўпланган чикиндиларға ўт кетган. Буни қарангки, мазкур корхона раҳбарлари тўпланган чикиндиларға ўта совуқонлик билан қарванлар. Агар вақтида ёнғин ўчирилмаганда, бу уларға қимматға тушиши мумкин эди.

Яна бошқа бир мисол. 16 май куни Юнусо-

### Уқув юртларида

Техникумда «Алпомиш», Амир Темур номли атлетлар ва полковник клублари ишлаб турибди. Яхши жиҳозланган ёпиқ спорт зал ва 100 томошабин ўрниға эга бокс зали ҳам талабалар иштироида. Яқинда техникумдаги каровсиз ер текисланиб теннис корти қуришға ки-

### «01» ХИЗМАТИ

сиз қолдирганликлари ёнғин келиб чиқишиға сабаб бўлди.

Шу кунларда айниқса, шаҳар кўчаларида, турар жой мавзеларида қуриб қолган ўт-ўланларни ёқиш ҳоллари кўпайиб бораётганлиги ташвишлидир, албатта. Шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси ҳодимлари қуриган ўт-ўланларни, дарактларни йиғиштириб олиш ўрниға, уларни шу ёрнинг ўзида ёқиб юборишни афзал қуришмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, ёнғиннинг олдини олиш ҳур биримизға боғлиқ. Бундай пала-партишликларға лоқайд бўлмасак, ёнғиннинг олдини олиш қоидаларига қаттиқ риоя қилсак, албатта турли хил кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олган бўламиз.

Тўлаган АБДУЛЛАЕВ,  
Тошкент шаҳар ИИБ ЁСБ ДЕНБ Назоратчи-си, ички хизмат катта лейтенанти.

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ

ВА ЭЪЛОНЛАР

**33-АТЭС АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**33-АТЭСДА ЗАМОНАВИЙ РАҚАМЛИ УСҚУНАЛАРГА ЎТКАЗИШ МУНОСАБАТИ БИЛАН**

**1996 йил 1 июлдан бошлаб**

**ШАҲАР ҲУДУДИДА ТЕЛЕФОН СЎЗЛАШУВЛАРИ ВАҚТИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА ҲАҚ ТўЛАШ ЖОРИЙ ҚИЛИНИШИНИ**

**ЯНА БИР БОР ЭСЛАТИДИ**

ЭНДИ АБОНЕНТЛАР ҲАР ОЙНИНГ 15 КУНИГАЧА ОЙЛИК АБОНЕНТЛИК ҲАҚИНИ 42 СЎМ ҲАЖМИДА (ташқилотлар учун — 860 сўм) ОЛДИНДАН ТўЛАБ ҚўЙИШЛАРИ ЛОЗИМ, БУ ПУЛ ШУ ОЙ ДАВОМИДА 180 МИНУТ МАҲАЛЛИЙ СЎЗЛАШУВЛАРГА ҲУҚУҚ БЕРАДИ.

БЕЛГИЛАНГАН ЛИМИТДАН ОШИҚЧА ВАҚТ УЧУН БИР МИНУТГА 30 ТИЙИНДАН ҚўШИМЧА ҲАҚ ОЛИНАДИ. Лимитдан ортиқча сўзлашувлар автоматик равишда ҳисобга олиб борилади ва почта орқали сўёт юборилади.

АБОНЕНТЛИК ҲАҚИНИ ВА ЛИМИТДАН ОРТИҚЧА ВАҚТ ҲАҚИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТўЛАШИНИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ.

**Маълумот учун телефон: 34-24-35.**

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ВА РАДИОЛАШТИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.**

### ЛОБАР ҚИЗЛАР!

АГАР СИЗ ТИКУВЧИЛИК КАСБИНИ ЭГАЛЛАМОҚЧИ Бўлсангиз, хотин-қизлар модали қийимларини бичиш ВА ТИКИШ, ҚИЙИМЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ, МОДЕЛЛАШТИРИШ, МАШИНАДА КАШТА ТИКИШ СИРЛАРИНИ ЭГАЛЛАМОҚЧИ Бўлсангиз

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг**

**РЕСПУБЛИКА УҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИГА**

**Ўқишға КИРИНГ!**

**Ўқишға 9 ва 11-сифонни тугатган қизлар қабул қилинади.**

**9-сифонни битирганлар 2 йил ўқийдилар.**

Улар ҳар ойда 750 сўмдан 950 сўмгача стипендия олади-лар.

11-сифонни битирганлар эса 1 йил ўқийдилар ва ҳар ойда уларға 750 сўмдан 950 сўмгача стипендия берилади.

Уқув ишлаб чиқариш марказини битирганлар эгаллаган касби бўйича малака разряди ва диплом оладилар.

Улар ширкатлар, ижара, ҳўжалик ҳисобидаги қўшма ва давлат корхоналарида ишлаш имкониятларига эга бўлади-лар.

Биздаги пуллик 7 ойлик курслар қуйидаги мутахассисларни тайёрлайди: конструктор-модельерлар, хотин-қизлар модали қийимларини тикувчи уста, машинада кашта тикиш асооларида тикувчи-модельер, ишбилармон.

**Ўз имкониятларингизни бой берманг!**

Кирувчилар қуйидаги ҳўжатларни топиштиришлари лозим: ўқув ишлаб чиқариш маркази бош раҳбари номига ариза, турли-туманлиги тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан маълумот-нома, 6 дона фотосурат (3x4 см), танлаган касби бўйича шуғулланиш мумкинлиги ёзиб кўрсатилган тиббий маълумотнома (085/У).

**Ўқиш 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНДИ.**

**МАНЗИЛИМИЗ:** Тошкент шаҳри, М. Мироклинов кўчаси, 68-уй (38, 58, 67, 3-автобуслар, 4, 7, 9, 24, 28-трамвайлар; 13, 16-троллейбусларнинг «Бобур боғи» бекати).

**ТЕЛЕФОНЛАР:** 55-78-28, 55-78-30, 55-78-32.

**«ТОШУЙЖОЙИНВЕСТИКУРИЛИШ» молиявий қурилиш корпорациясининг**

**КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ**

француз ёки инглиз тилини биладиган, ёши 35 дан катта бўлган қурилиш бўйича беш йиллик иш тажрибасига эга бўлган

**МУҲАНДИС-ҚУРУВИЧЛАРНИ ИШГА ТАҚЛИФ ҚИЛАДИ**

**МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛГОҲ:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 2-«а» уй, Капитал қурилиш Бош бошқармаси.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** 41-66-69, 44-35-59.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГПИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИККИНЧИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**28 июнь соат 14.00 да**

**ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ**

Тиббий таълим олишни хоҳловчи ўрта маълумотлилар ва умумий ўрта мактабларни битирганлар

**ТАҚЛИФ ҚИЛИНАДИЛАР.**

**МАНЗИЛГОҲ:** 700109, Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 2-уй (10, 28, 2-автобусларнинг охириги бекати), II ТошДавТИ, Бош ўқув биноси, 4-қават, мажлислар зали.

Миробод туманидаги «ДАР ЗЕМЛИ» хусусий фирмаси **ТУГАТИЛАДИ**

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида 72-53-91 рақамли телефон бўйича қабул қилинади.

**ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**  
**TOSHKENT OQSHOMI**

**Муассис:**  
**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ**

**Манзилмиз:**  
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**Телефонлар:**  
хатлар — 33-29-70;  
эълонлар: 33-81-42, 36-57-27.

*Душанба, горшанба ва ҳуна кўчалари ҳақида. Ҳафтасидаги 64690*

*Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтасига» 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.*